



(Конли Фаргона вокеаларига доир айрим мулохазалар)

Эй, гўзал Фаргона, конли кўйлагингдан айланай!.. ЧЎЛПОН

ПОНТИЙ ПИЛАТ БАШОРАТИ

Фаргона вокеалари матбуотда турлича талкин этилаётган кунларда, 1989 йил юнининг 14-куни «Известия» рўзномасида «Фаргона: кулфатнинг олдини олиш мумкинми?» сарлавхали мақола чиқди. Махсус мухбир В. Ардаевнинг мазкур мақоласи Ўзбекистон ССЖ Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Эдуард Дидоренконинг «авлиёлиги», «фолбинлиги» тўғрисида бўлиб, унда Дидоренко Фаргона фожиасини уч ой олдин башорат этгани таъкидланади. Муаллиф, Дидоренконинг «Миллий муносабатларни кескинлаштираётганлар боши берк кўчага бошламокдалар» деган мусохабаси «Кувасой шаҳрида конли ёнгининг илк учкунлари сачраган кундан роппа-роса уч ой олдин—1989 йил февралининг 23-куни «Ташкентская правда» рўзномасида босилган»ига ургу беради.

Маълумки, Дидоренко мусохабаси ўша пайтдаёқ шубҳа кўзгаб, қарши зарбага учраган; бу шахсда мунозара маданиятининг етишмаслиги фош этилган эди. Афтидан, Дидоренконинг айтажак гаплари олдиндан тайёрлаб кўйилган, бўлажак фитна катъий режалашгач, у «фолбинлик» қилган. Мухбир суҳбатдошни эмас, суҳбатдош мухбирни чорлагани шубҳасиз. Ишот тариқасида, рўзномадан кўчирма келтираман: «Ташкентская правда» нинг ўз газетхонларини «Мусохаба берувчининг жавоблари бирмунча катта хажмда бўлса-да, уларни тўлиқ босиб чиқариш ҳақидаги истаги бажарилди», деган огохлантириши кишини хушёр торттиради. Тахририятнинг бундай «эслатмаси»дан мусохаба берувчи нималар демокчи бўлгани олдиндан яққол кўриниб турибди» («Правда Востока», 1989 йил февралининг 25-куни).

Ажабки, «Известия»нинг худди ўша сонида — В. Ардаев маколанинг тепасида «Михаил Булгаков шифо элтади» деган макола босилган. Бу икки маколанинг остинма-устун берилишида мен уйлаб кўрилмаган бир тимсол, бешафкат бир мантикни кўрдим. Таажжубки, «авлиё» Дидоренко шуури илгаб, «башорат этган» ҳамда Булгаковнинг «Уста ва Маргарита» асари кахрамони— Понтий Пилат «кўнгли сезиб» башорат этган воқеалар ўртасида ақл бовар килмас ўхшашлик бор.

Понтий Пилат махфий хизмат бошлигини ўзининг хос хонасига таклиф этиб, сирли суҳбат куради. «Энг кўнгилсиз хунрезликларнинг шохиди бўламан деб ҳар дақиқа юрак ховучлаб турасан», дейди у тағдор қилиб. Вазир ўринбосарининг Ўзбекистондаги «миллатчи», «жиноятчилар»дан ваҳм қилиб зорланиши Понтий Пилат зорланишига ўхшамайдими?.. Сўнг, Иуда тўғрисида гап кетганда, прокуратор: «уни бугун пичоклаб кетишармиш», деб қўяди ва қандай қилиб уни ўлдириб кетишларини олдиндан аниқ баён қилади. Аниги, Иудани қандай ўлдириш лозимлигини уқтиради. Махфий хизмат бошлиги мулоҳазага боргач, Понтий Пилат газаблироқ таҳдид қилиб, «кўнглим сезиб турибди, деб айтдим-ку, сизга!», дея зимдан топширик беради. Режа амалга ошади, албатта.

Дидоренко башорати Понтий Пилат башорати билан бир хилдек. Вазир ўринбосари ўша «пайгамбарона» суҳбати орқали «бажарилиши ниятда мушкул режани» амалга оширишга замин ҳозирлаган эди. «Фан ва турмуш» ойномаси 1989 йилги 11-сонида тарих фанлари номзоди Хайдарбек Бобобеков ҳам ўша суҳбат борасида шунга яқин фикрни айтган.

Фаргона воқеаси «етти ўлчаб» тузилган режа асосида махсус уюштирилди ва ташқаридан бошқариб турилди, бундан кўзда тутилган натижаларга эришилди, назаримда.

ФИТНАНИНГ АТАЙ УЮШТИРИЛГАНЛИГИГА ДАЛИЛЛАР

БИРИНЧИ ДАЛИЛ.

Фаргонада ўзбек ва месхет турки қавмлари ўртасидаги жанжални ўзбек ҳам, месхет турки ҳам бошлагани йўқ. «Правда» рўзномаси муҳбири Одилбек Каипбергенов «Бу шундай бошланган эди» мақоласида Фаргона вилояти прокурори А. Отажоновнинг ушбу сўзларини келтиради: «...Майнинг 16-қуни шаҳар пивоҳоналаридан бирида маиший негизда икки йигит жанжаллашиб қолади. Таъқидлаб айтаманки, йигитларнинг униси ҳам, буниси ҳам миллати жихатдан на месхет турки эди, на ўзбек эди. Бир неча кундан кейин гуруҳ-гуруҳ бўлиб, жанжал кўтардилар, бахтга қарши бу жанжалда месхет турклари ҳам, ўзбеклар ҳам қатнашди». («Правда», 1989 йил юннинг 20-қуни).

«Совет Ўзбекистони» рўзномаси муҳбири Алишер Ибодиновнинг «Қувасойда нима бўлганди?» мақоласида тўполонни бошлаб берган қимсалар миллати аниқ айтилади ва бу фожианинг махсус уюштирилганлиги жиндек равшанлашади: «Жанжал дастлаб бир

рус ва бир татар кишининг ўзаро муштлашувидан бошланган. Рус кишининг икки ўзбек оғайниси унинг тарафини олган. Татар киши тарафдорлари эса тасодифий турклар бўлиб чиққан. Вактида олдини олиш мумкин бўлган кичик жанжал тўсатдан кучайиб кетган». («Совет Ўзбекистони», 1989 йил июнининг 13-куни). Шундай қилиб, башир Дидоренко орзиқиб қаромат қилган кун келди! Ўша куни месхет турки ва ўзбек кавмларидан 150 нафардан киши тўпланиб, илк тўқнашув бўлиб ўтди. Тўпланганларнинг қайсиниси чин маҳаллий кавм, қайсиниси «тасодифий» кишилар — буни матбуот очик айтмайди... Хуллас, энди фитначилар биринчи муваффақиятга эришдилар, оломонни майдонга бошлаб чиқа олдилар.

Маълумки, туркнинг ўзбек кавмидан ҳам, татар кавмидан ҳам буткул руслашиб, аслидан қайтганлари бор. Татар турки миллатпарварлари айрим руслашган ва аслини унутиб, ўз она халқи, ўз она юрти манфаатларига терс ишлар қилган тилдошларини нафрат билан қош этадилар. Жанжални бошлаб берувчи шундай тоифадан бўлса, ажабмас.

Бундай фитна рус давлатчилиги тарихида янгилик эмас, Иван Грозний давридани бери халқларни бир-бирига ва ўз-ўзига қарши қилиб қўйиш тажрибаси анча шаклланган.

СССР халқ депутатларининг биринчи съездида очилган мудҳиш сир кўпларнинг ёдидадир. Унда, 1968 йили Чехословакияда кечган қонли воқеалар арафасида, рус ва бошқа совет махфий хизматчиларимиз русларга ва советларга қарши варақалар таркатгани қош этилди. Шу фитнада қатнашган КГБ хизматчисининг ўзи Чехословакия халқидан ўз сўради.

1989 йил бошларида Ўзбекистонда ҳам русларга қарши варақалар тарқатилаётгани матбуотда овоза қилинди. Яна шундай варақа тарқатиб қўлга тушган йигитларнинг иккови ҳам руслар эканлиги аниқланди. «Шунчаки, онасини қўрқитиб қўймоқчи бўлган» бу икки ёш игвогар жумҳурият ойнаижаҳони орқали бутун халққа қўрсатилгани кўпларнинг эсидадир. («Ўзбекистон адабиёти ва санъати» рўзномаси, 1989 йил декабрининг 15-куни).

Месхет турклари кавми билан ўзбек кавми ўртасида тўқнашув уюштирилган пайтда, Фарғонада русларга таҳдид қилувчи варақалар ва эълонлар ёпиштириб чиқилгани шов-шув қилинди. Шундай таҳдидли эълонлардан бири Фарғонадаги универсал дўкон деворига ёпиштирилган. Бирок, ёзувчи Йўлдош Сулаймон исботлаб, қош этганидек, ўша эълонни ёпиштирганнинг ўзи мазкур дўконда ишлайдиган рус аёли экан.

Тўполон вақтида туркларга ва русларга қарши шиорлар, қўқ байроқлар, ҳатто, бир томонда Горбачёвнинг, бир томонда Хумайнийнинг қатта суратларини қўтариб чиққанлари матбуотда зўр таъқид билан айтилди. Бу мантиксизликнинг ўзи бузғунчи фитначиларнинг эски тажрибасидан қелиб қикаётгани яққол сезилиб турибди. Йўкса, Хумайний фарғоналикларнинг тушига қирбидими?!

Ақлини танийдиган кишига аён бир иллат бор: Совет жаҳмиатида сон жихатдан озчиликни ташкил этган, шўро оиласида ҳақиқатан паноҳ топган ёхуд СССР таркибидан чиқиб кетиш ҳавфи, имконияти ва ё даъвоси бўлмаган миллат ҳамда элатларга гўё

сезиларли имтиёзлар берилади, бошқаларни кисиш эвазига уларни тузум бир мунча «эркалаган» бўлади, «таноби»ни бўшрок кўяди... Тузум учун улардан эҳтиёт бўлишнинг хожати йўк...

Бирок месхет турклари колган барча туркийлар каби, кейинги асрларда такдир эркаламаган халклардан. Улуг Ватан урушида 40 минг месхетлик туркдан 26 минг нафари кирилиб кетиб, атиги 14 минг нафари тирик кайтди. Шунга карамай, улар совет давлатининг, Сталиннинг кувгинига учрадилар. Ватанларидан айрилиб, инсоний ҳақ-ҳуқуқлари оёкости килинди. Улар Туркистонга оммавий сургун килинганларида, бир ойлик йўл азобидан, очлик ва касалликдан 29 минг нафарга яқини нобуд бўлди. Месхетликларнинг киргиндан омон колганлари Туркистонда дастлаб ўзларини мусофир сезиб, бу юртга сигиндимиз, деб кисинган, изтироб чеккан, албатта. Бирок маҳаллий халқ — туркий кондошлари уларга кўп меҳр кўргузган. Мусулмон халқининг мусофирпарвар бўлиши оламга аён. Шундай килиб, Тошлоқда, Кувасойда ҳам месхетлик турklar кадрини тиклаб, юрт эгасига айландилар. Аммо ёвуз фитначилар шу икки тилдош, дилдош ва кондош кавм ўртасида ҳам келишмовчилик тугдиришга уриндилар. Хатто иктисодий тенгсизлик яратишга эришдилар. Аслида, низо уруги кўп йиллар бурун зимдан ташлаб кўйилган ва бошқариб турилган. Жамиятдаги умумий адолатсизлик, тенгсизлик кизиби боргани сари, унинг тафтида шу захарли уруг ҳам жонланиб борган. (Хар икки кавм орасида ҳам хаддини билмаган гофил, жанжалкаш, тўполончилар учраб туради. Бизда шунакаси йўк, деб мактанадиган миллатнинг ўзи йўк). Бирок улар ўртасидаги низо, айрим нодон мухбирлар талкин килганидек, икки миллат ўртасидаги низо эмас, балки икки маҳалла ўртасидаги нифок тарикасида бўлган. Зеро, тил бир, урф-одат бир, хатто турklarнинг асосий кисми минг йиллар бурун Турон тупрогидан кўчиб кетган. Ўзбек кавми иркий шажарасини корлук ва кипчок уруглари ташкил этса, турklar ўгуз уругига мансубдирлар. Хар икки кондош кавм ўртасида ҳам бу тарихий ҳақиқатни биладиган маърифатли зиёлилар кўп. Лекин мустамлака даврлари ўзликни унутишга, тарихни, хатто шажара тарихини ҳам унутишга кўп халқларни маҳкум этди... Бузгунчилар томонидан уюштирилиб, бошлаб берилган, кейин кондошлар ўртасидаги тўқнашувга айлантирилган жанжал, бир жихатдан, ана шу унутиш маҳсули ҳамдир.

ИККИНЧИ ДАЛИЛ.

Бу далил Фаргонада фитна атайин уюштирилганлигини рад этишга ҳеч қандай имкон колдирмайди. Афтидан, Дидоренко башоратини амалга ошириш такозо этиб, Фаргона вилоятига кондан килт этиб сесканмайдиган, одам ўлдириб завк оладиган ўта хавфли жиноятчилар сафарбар килинган. Давлат хавфсизлиги кўмитаси Фаргона вилояти бошқармасининг (ҳозирда собик) бошлиги Н. Лесков сўзларини келтираман: «Оммавий киргин авж олишдан олдин, вилоятга РСФСРдан катор, ўта хавфли жиноятчилар келганлиги қайд этилди» («Литературная газета», 1989 йил июнининг 14-куни).

Хўш, «ихтисослашган» жаллодларни Россиядан келтиришга қандай хожат бор эди? Гап фитнанинг мақсадига бориб такалади. Бу жумбоққа кўшимча ўларок, ўша маҳал Тошкент турмаларидан ҳам «керак»ли маҳбуслар кўйиб юборилганлигини таъкидламоқ жоиздир.

Н. Лесков қайдининг айна ҳақиқат эканлиги шунда кўринадик, Тошлоқда, сўнг бошқа ерларда ҳалойик гангитиб ташланган: бир тараф — «кўргазмали» миш-мишлар

таъсиридан, бир тараф — матбуотнинг васвасасидан ўзларини йўқотиб қўйганлар. Курбонларнинг қўплари эса чинакам жаллодона махорат билан ўлдирилган.

УЧИНЧИ ДАЛИЛ.

Бу далил иккинчи далилни кувватлаб, уюштирилган фитна ташкаридан тартиб билан бошқариб турилганлигини исботлайди. СССР Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлар Бош сиёсий бошқармаси бошлиги ўринбосари Е. Нечаевнинг таъкидига диққат қилинг: «Мен Сумгаит воқеаларини қўрганман, лекин уни Фаргона дахшати билан асло қиёслаб бўлмайди. Фарқлари: биринчи, ақл бовар қилмас даражада фақат жинойткорлар доирасигина қодир бўлган гайритабиий шафқатсизлик; иккинчи, боскин ахлининг юксак уюшқоклиги ва эпчиллиги; учинчи, яширин тўда аъзолари фаолиятини нихоятда қаттиқ сир сақлаш (конспирация); чунки, ҳали боскин ахли сардорларидан биронтаси ҳам қўлга олингани йўқ» («Литературная газета», 1989 йил июнининг 14-куни).

Бундай қаттиқ интизом, гайритабиий ёвузлик, тартиблилик ва қаттиқ сир сақлаш каби сифатлар фақатгина махфий режани амалга оширишга қодир бўлган, ҳудди Н. Лесков таърифлаган ўта хавфли жинойтчиларгагина хосдир. Махсус ва махфий хизмат «ходим»ларигина бажариши мумкин бўлган бундай фитнага газабкор омманинг, тўпори оломоннинг қодир эмаслиги барчага аён. Таъқидлаш лозимки, орадан қанча вақт ўтса-да, сардор ёвузлардан, мохир жаллодлардан биронтаси қўлга олинмаган, совет матбуоти бу тўғрида ҳеч қандай маълумот бергани йўқ.

ТУРТИНЧИ ДАЛИЛ.

Суднинг дастлабки ҳулосаларидан маълумки, Фаргона ахли орасида миш-мишлардан васвасага тушиб, қотиллик қилган кишилар бор. Лекин атай авж олдирилган тўполонда дастлаб меҳнатлик туркларни бешафқат ўлдирганлар ўзбеклар эмас, балки асосан, ўзбекча қийиниб олган бошқа миллат вакиллари эканлиги энди қўндай равшан. «Туркларни ўлдираммиз!», «Ўрисларни ўлдираммиз!», деб гавго бошлаганлар аслида бошқалар. Бунда, руслардан ташқари, дашноқлардан ҳам фойдаланилган, деган тахминлар бор. Қора ниятли, аниқ мақсадли кишилар ўзбек миллий либосидан мохирона фойдаланганлар: меҳнатлик турк қиёфасига қириб, безорилик қилинганидек, ўзбек қиёфасига қириб ваҳшийлик қилинган. Мисол тариқасида, атоқли арбоб Нуриддин Муҳиддинов таассуротидан намуна келтираман: «Фаргона бўйлаб сафарларда мен атайлаб уюштирилган, ҳалқимиз ва давлатимиз манфаатларига зид ҳаракатларга ҳам гувоҳ бўлдим. Ўзбек миллий қийимларини қийган, аслида бошқа миллатга мансуб кишиларнинг суратларини қўрдим». («Совет Ўзбекистони», 1989 йил августининг 12-куни).

ЎзТАГ мухбирининг ушбу маълумоти ҳам фитнани четдан қелганлар авж олдирганлигини исботлайди: «Ғалати бир нарсасига дуч қелинмоқда: Ҳамма жойда бебошлиқларнинг қатнашчилари бошқа жойлардан қелган кишилар, деб ишонтиришга ҳаракат қилишмоқда. Бу нима, — ҳақиқатми ёки ҳадиксираб олдини олишми?» («Совет Ўзбекистони», 1989 йил июнининг 11-куни). Мазкур таъриф фақат Марғилон шаҳрига тегишли бўлса ҳам, мухбир «тағофили орифона» қилиб, ҳақиқатни ошқор этган. Қўлида ҳукумати, остида тахти бор кишиларгина фитнани ташкил этганлигига шу қўчирмалар асос бўла олади.

БЕШИНЧИ ДАЛИЛ.

Тўполон авж олмасидан бурун, халк вакиллари фожиянинг олдини олиш учун каттик киришганлар. Нуриддин Мухиддиновнинг синчков кузатувлари, келтирган бошқа далиллари, Кўкон шахридаги ҳаракатлар буни исботлайди.

Меҳнат фахрийси, кекса нафақахўр Отажон Раҳматов майнинг 23-кунидаёқ, жанжал кўзғолаётганда, Фаргона вилояти раҳбариятига бориб, халкни сафарбар қилайлик, аҳолининг ўзи Қувасой шахри атрофини ўраб, ўз фарзандларини йўлга солиши мумкин, деганида, улар кулок солишмаган. Табиийки, шўрлик мухофизларни — уч-тўртта милиционерни жўнатишган. Ва... натижада, жанжал тобора кескин тус олган. Вилоят партия кўмитасининг биринчи котиби, жумҳуриятдаги барча «биринчи»лар катори, Москвада — халк депутатларининг 1-съездида бўлган. Бошқа раҳбарлар гўё воқеанинг моҳиятига етмаганлар («Совет Ўзбекистони», 1989 йил августининг 12-куни).

Аввало, ички ишлар бўлими ходимларининг ўзида қандайдир ички «сир» борлиги ходисалар замирида ҳам кўринади (тобе ижрочилар бундан мустасно). Колаверса, вилоятдаги «иккинчи»ларнинг режадан беҳабар эмаслиги яққол сезилади. Негаки, фитначиларнинг «режаларни аниқ тузиб, катта ташкилотчилик билан ҳаракат қилишларига шароит яратиб берилди». (Ўша манба). Зарур қарорларнинг керакли нукталарга вақтида етказилмагани, бепарволикдан ташқари, атайин қилишлик ҳолатлари бўлганидан далолатдир. Чунки, партия аппарати ўз кўрсатмаларини ўзи хоҳлаган муддатда етказиш имкониятига эгадир. Бирок вилоят «партия комитетининг мазкур воқеаларни муҳофама қилиб, 2-июнь куни чиқарган қарори 17-июнгача кўпгина ташкилотларга етиб бермаган» (Ўша манба).

Қувасойлик турк қавмлари ҳам, ўзбек қавмлари ҳам тартибсизликдан ташвишланиб, ноҳия ички ишлар бўлимларига мурожаат этишган. Лекин улар бундай илтижоларга кулок солмаганлар. Эстония халқ жаҳасининг аъзоси билан Абдулазиз Маҳмудов биргаликда тасвирга туширган ҳужжатли фильмда бу сўзларнинг ишоти бор. Ҳатто қувасойлик бир турк аёли бу ишлар раҳбарият томонидан уюштирилипти, деб фарёд кўтаргани ҳам лентага туширилган.

Июннинг 7-куни тепадан вертолётлар «кузатуви»да бир неча юк машинасида келган нотаниш кишилар Кўкон шахрига кирмокчи бўладилар. Негаки, тўполон кўзгашга асос бор — Кўконда бир ярим мингга яқин месхетлик турк яшар эди. Фитнанинг авж олишини англаган кўконликлар нотаниш оломонни шахарга киритмасликка уриндилар; шундай талаб билан шахар ички ишлар бўлимига мурожаат этдилар. Ички ишлар ходимларининг ваъдасига ишониб, ҳалойик тарқалди. Лекин туш пайтлари, соат 2.30 ларда бегоналарга лик тўлган юк машиналари шахарга ўтказиб юборилди. ЎзТАГ муҳбирининг кузатуви фитна қандай доирада уюштирилганлигини, бузгунчилик мақсадини қисман очади. «Биз газандалар тактикасини синчиклаб ўрганиб чиқдик. Улар Фаргона районида икки кун жадал ҳаракат қилганларидан сўнг, бир кун танаффусга чиқишади. Сўнг бундай манзара Маргилонда қайтарилади, энди эса навбат Кўконга келди» («Совет Ўзбекистони», 1989 йил июнининг 10-куни). Месхетликларни атай таҳлика ва талвасага солиш учун тўполонни ўша ёкка кўчириш қатъий режалаштирилганлиги ушбу хабардан ҳам билинади: «Қимлардир аввал гиж-гижлатган безори ёшлар турклар кўпроқ

яшайдиган районларга бостириб киришди» (Ўша манба). Хамма бало шундаки, халиги юк машиналарида рахнамо фитначилар билан бирга, миш-миш ва игвога учиб, Тошлок, Маргилону Риштондан йўналган тубжой ахоли ҳам бўлган. Улар фитнанинг асл мудхис максадидан ҳам, тўполонни кимлар бошқариб турганидан ҳам буткул беҳабар кишилар, албатта.

Кўкон шахри — Туркистон миллатининг қадимий маданият, адабиёт ва санъат марказларидан; биру чорак асрлик истибдод остида миллий рух нисбатан тоза сақланган ўчоқлардан. Инкилоб деб аталган даврларда ҳам Кўкон мустамлакачи зобитлар мўлжалида турди. Туркистон мухторияти даставвал Кўконда эълон этилганини фахр билан эслаш кифоя. Кўконликларнинг юсак хушёрлиги, умумтуркий туйгуларни безавол сақлаганлиги туфайли ҳам, бундаги ҳаракат месхетлик кондошларга қарши пасткаш ҳаракат бўлмай, балки эрку ҳуқуқ йўлидаги чинакам сиёсий кураш эканлиги онгли жамоатчиликка аёнлашди. Митингга йигилган халойик талабномасида ҳам месхетликларга қарши ҳеч қандай гаразли даъво йўқ эди. Аммо ёвуз фитначилар бу адолатли ҳаракат билан, месхетликларга қарши уюштирилган тўполонни аралаштириб, қориштириб, чалкаштириб юборишга қаттиқ уриндилар. Кўкон халқининг тадбиркорлиги бунга йўл қўймади. Шу айтилган сабабларга кўра, фитна Кўконда яқун топиб, шаҳар халқи очик ўққа тутилди.

ОЛТИНЧИ ДАЛИЛ.

Фитна ташкилотчилари миш-мишларни атай бўрттириб, сохта далилларни ростдек тарғиб қилиб, васвасани кенг ёйишди ва оломон эхтиросини ўт олдиришда матбуот қучидан фойдаландилар; расмий нашрлар орқали фақат бир хил маълумот тарқатиб, халойикни қаттиқ ҳақоратлаб, ориятини кўзгаб исёнга ундадилар. «Турк-ўзбек» жанжалини, зўр бериб, бутун Ўзбекистонга ёйишга уриндилар. (Бу мақсадга эришилмагач, кейинчалик, Бўка ва Паркентда шу «ўйин»ни айнан такрорладилар). Тартибсизлик айбини гоҳ умуман диндорларга, гоҳ ваҳобийларга, гоҳида норасмий ташкилотларга ағдариб, шу баҳонада, уларни ҳақиқатни талаб қилишдан қалғитиб, фақат ўз-ўзларини ҳимоя этишга зимдан мажбур қилганликлари фитначи доираларнинг истибдод сиёсатида қамида уч юз йиллик тажриба борлигини кўрсатади. Бунда инсон руҳиятини, айниқса, тўпланган оломон руҳиятини (психологиясини) пишиқ ўрганган, бутун ҳокимият ўз қўлида бўлган зотлар энг ишончли қуролни — матбуотни ўртага қолдилар.

Ҳожиали воқеалар қодир бўлган дастлабки қўнлардаёқ Фарғона вилоятида СССР Ички ишлар вазирлигининг матбуот маркази тузилди. Фикр эркинлигига йўл қўймай, фақат бир хил хабарлар тарқатишда (хусусан, расмий нашрларда), «экстремист», «газанда», «бебош», «вахший», «босқинчи», «пасткаш», тартиббузар», «бандит» сингари тухмат, бўхтон ва ҳақорат сўзларининг мақоладан мақолага қўчиб юришида аввало мазкур матбуот маркази ташаббусқордир. Асосан четдан, аниқроғи, Россиядан келган раҳбарлар бошқарувидаги «матбуот маркази маҳаллий партия ва совет органлари билан муштам алоқада иш олиб бори». («Совет Ўзбекистони», 1989 йил июлининг 6-қўни). ЎзТАГ муҳбири В. Татариновнинг матбуот маркази қўдимси А. И. Тайитов билан ўтқазилган суҳбатидан бу «марказ»да асосан қимлар фаолият кўрсатгани ойдинлашади: «СССР Ички ишлар министрлигининг раҳбарлик қўстави — СССР Ички ишлар вазирлиги

ички кўшинлар кўмондони Ю. В. Шаталин, мамлакат жиноят кидирув бошкармаси бошлиги В. К. Панкин, Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирининг ўринбосари Э. А. Дидоренко ва бошқалар оммавий ахборот воситалари ходимлари билан мунтазам учрашиб турибдилар» (Ўша манба).

Изохга ҳожат йўк — эсли одам фитнанинг кай доирада уюштирилганини дарров фахмлайди.

Танаси бошка дард билмас, деганларидек, ўзбек миллатига мансуб дардли мухбирлар вилоятга киритилмади. Уддасидан чиққан айрим ёзувчилар, масалан, Нуриллох Отахон, Нодир Нормат ўз ташаббуслари билан машаккат чекиб, бориб келдилар. ЎзТАГ мухбирлари исм-шарифларини яшириб, баъзан игвогарлик руҳида мақолалар ёзишди. Факат «Совет Ўзбекистони» мухбири Алишер Ибодинов ўз жигарпора юртдошларининг зулмдан қашаётганини турли лутф ва ишоралар билан ошкор этиб турди, холос.

Ўз ҳақ-хуқуқини талаб қилиб ёки шунчаки томошага чиқиб, кейин уюштирилган оммавий тартибсизликка аралашиб кетган ёш-ялангларга, айбсиз халойикка: «Спиртли ичимликлар ичган ва наша ҳамда қорадори истеъмол қилган 16—20 яшар йигитлар ўйламай-нетмай, вахшийларча ҳаракат қилдилар», деб тухмат тошлари отилди («Совет Ўзбекистони», 1989 йил июнининг 8-куни).

Ажабки, Олмаотадами, Фаргона, Бўка ёки Паркентдами, Душанбе шаҳридами, бир ҳақли талаб билан халойик тўпланса, улар албатта «спиртли ичимлик ичган», наша, қорадори «истеъмол қилган», ҳамда «жамоат тартибини бузган» бўлиб чиқади. Мазкур айбномалар Совет Иттифоқидаги фитналар пайтида ҳудди расмий сўзлар қаби алоҳида ургу билан қўлланади.

Бирок Фаргона вилояти табобат текшируви (медэкспертиза) ташкилоти ходими Ҳасан Раҳмонов 1989 йил июнининг 13-куни жумҳурият ойнаижаҳони орқали берган мусохабасида текширилган 100 кишидан биронтасида ҳам наша чекканлик аломатлари аниқланмаганини таъкидлади. («Ёшлик» ойномаси, 1989 йил 11-сон). Шундан сўнг тегишли мутахассисларнинг матбуотда чиқиши алоҳида назорат остига олинди ва фитна манфаатига зид гапларни айтиш тақиқланди.

Ўзбек қавмининг меҳсетлик туркларни жазолаш нияти тўғрисидаги ваҳимали хабарлар, тухмат, маломатлари ўзбекни қанчалик қазабга миндирса, меҳсетлик турклар қавмини унданда ортиқроқ васвасага солди. Бундан муайян мақсад бор эди, албатта.

Ўзбек қавми ўртасида меҳсетлик туркларни жинояткор, айбдор қилиб кўрсатадиган миш-мишлар ва айниқса, турк қавми ўртасида ўзбекларни вахший қилиб кўрсатадиган ўта ваҳимали миш-мишлар махсус тарқатилгани кейинчалик матбуотда қисман фош этилди. Бирок шундай миш-мишларни қенгрок, ишонарлироқ ва тезроқ ёйишда матбуотнинг ўзи кўпроқ хизмат қилди. «Туб аҳоли билан меҳсети турклари ўртасидаги тўқнашув урқалатқа айланиб кетди», «халок бўлганлар орасида хотин-қизлар ва болалар оз эмас», «амалда ахиллик йўк» («Совет Ўзбекистони», 1989 йил июнининг 8-куни), деган гаплар ҳар икки қавми ворис ёвлардек қилиб қўйди. Сўнг, бу миш-мишлар ўз

вазифасини ўтаб бўлгач ва тартибсизлик хаддан ошгач, хотин-кизлар ва болалар ўлгани тўғрисидаги хабарлар рад этилди.

Дастлабки кунларда, тартибсизлик факат миллатчилик руҳида, деб зўр бериб уқтирилди. Хатто кейинрок ҳам, ноқонуний тарзда одамларни отиб ўлдирган харбийлар ўзларини шундай важлар билан оқладилар: «Масалан, СССР Ички ишлар вазирлигининг ички кўшинлари Фаргона вилоятида миллий негизда бўлган оммавий тартибсизликлар чоғида олти марта қурол ишлатдилар» (ТАСС мухбири. «Совет Ўзбекистони», 1989 йил июлининг 6-куни). Холбуки, галаён авж олиб кетган кунларда: «Хозир экстремистларнинг вахшийлиги ва бебошлиги миллий негизга асосланмаганлигини очик-ойдин айтиш мумкин», деб бу игвогарлик ҳам фош этилди (ЎзТАГ, 1989 йил июлининг 10-куни).

1989 йил июлининг 10-кунларида биз Дадахон Нурий билан Наманганга бориб, икки кун меҳнатлик кондошларимиз маҳалласида турдик. Уларнинг ваеваса ва талвасага тушган аянчли ҳолатини кўриб, киши танг қолади. Болаларни, кексаларни ва аёлларни ПМК биносида сақлаётган эканлар. Янги тугилган икки чакалокни тугруқхонадан келтириб, бинонинг остхонасида асраётирлар. Ватанга қайтиш кунлари насиб этсин, деб ўгил боланинг отини ...Ватан қўйишибди. Албатта, уларга нисбатан ҳам номаълум бир тўда кўрқув солиб турди. Бирок бутун қуролланган милиция ва маҳаллий ҳукумат хизматчилари каттик кўриқлаб турган маҳалла ичидаги кўрқув ва дахшат бизни хайратга ва шубҳага солди... Уларнинг бутун диққат-эътибори радио ва ойнаижаҳонда! Кани, яна нима деркин? Кани, яна қанақа вахшийлик?! Совет матбуоти уларга ўзбек кондошларини шу қадар вахший қилиб кўрсатиб қўйган эдики, хатто ўроқ, кетмон кўтариб, узун металлاردан қўлбола қиличлар ясаб, химояга шайланган эдилар. Кечқурун ойнаижаҳонда «Время»ни кўриб, баттар қандайдилар. Бундай усулда миш-миш ва васвасани кўпиртириш фитнанинг бош мақсадини очмай иложи йўқ.

Ҳожиали кунларда Ёзувчилар уюшмасида ҳам махсус гуруҳ ташкил этиб, рўйхат тузиб, Фарғонага юборишларини сўрадик. Ўзбекистон Министрлар Советининг собиқ раиси Гайрат Кодиров уюшмага келиб, суҳбат ўтказди, эртагаёқ самолёт жўнатаман, деб ваъда берди. Лекин Компартия Марказқўми рухсат бермади, ёзувчилар ташаббуси амалга ошмади. Ҳақиқий аҳволни ўзбек ёзувчиларидан яширмоқчи бўлдилар. Имкон топганлар ўзи бориб, кўп нарсани тушуниб қайтди!..

Фарғонада комендантлик соати жорий этилганида, бунинг қонун-қонидаси тажрибасиз элга ўз вақтида тўғри тушунирилмади. Боз устига, ҳонадонлардаги қуроллар, яъни ов милтиклари топширилсин, деб эълон этилгач, милтиги борлар келтириб топширишди. Матбуот маркази эса шу ўринда ҳам игвогарлик усулини қўллади: «Бугунгача 7718 та совуқ қурол ва милтик тортиб олинди» (ЎзТАГ, 1989 июлининг 17-куни), деб халқ газабини баттар оширди..

Таникли шахсларнинг, лақма арбобларнинг, гўл депутатларнинг, партия ва ҳукуматнинг гамгин ҳамда ваҳимали мурожаату даъватларини ташкил этган фитначилар, амалда, матбуот орқали халқни галаёнга кўзгадилар. Матбуотнинг барча туридан қерағича фойдаланиб қолдилар. Зеро, вилоятда жойлашган матбуот маркази бош

фитначиларнинг «ишончли кўлларида» эди!

ЕТТИНЧИ ДАЛИЛ.

Матбуотда расман таркатилган хабарлар канчалик пала-партиш, телба-тескари бўлмасин, мухбирлар фитнанинг аниқ уюштирилганини ошкор этиб қўйдилар. Масалан, ўзбек кавмини турк кавмига қарши қайраш учун махсус тайёрланган фотосуратлар тўғрисида ЎзТАГ мухбири бундай деб ёзди: «Масхет туркларини ёмонотликка чиқариш учун тайёрланган сохта фотосуратлар хали ҳам қўлма-қўл юрибди». («Ёш ленинчи», 1989 йил июнининг 17-куни). Албатта, мухбирларнинг қўпи фитнанинг ким томонидан ва нима максатда уюштирилганини пайкагани йўқ. Бундай тўғри маълумот эса сохта «кўргазмали куруллар» ўз вазифасини бажариб бўлгач, комендантлик соати жорий этилганидан кейин ошкор қилинди. Марказий рўзномалардан бири маҳаллий суратхоналар ва суратчилар сохталиги деярли билинмайдиган бундай фотосуратлар тайёрлаш имкониятига эга эмас, деб ўз шубҳасини баралла билдирди. Дарҳақиқат, бундай суратларни ўзбек халқининг вакиллари тайёрламаган эдилар. Бу махфий идораларнинг иши! Ахир, жиноятга қўл урган, дейлик, суратда акс этганидек, бола ўлдираётган бирон зот, суратчининг «фото қўзи» қаршисида туриб, ўзини намоёниш этмайди-ку! Афсус, гангитилган оломон шу оддий мантиксизликни англашга қодир эмас эди.

Ю. Шаталиннинг ушбу сўзларига эътибор қилинг: «Хужум қилаётган кишилар Калашников системасидаги автоматлар, пистолетлар ва милтиклардан фойдаланганликларини кўрдик» («Совет Ўзбекистони», 1989 йил, июнининг 10-куни). Бошқа бир ўринда эса Шаталин Кўкон шахри аҳолиси ҳамда байналмилал жангчилар «экстремистларга зарба бериш учун» ёки «ўзларини химоя қилиш учун» курул сўраб, мурожаат қилганини ва «бу масала қўриб чиқиладигани»ни айтади. Бу эътирофлар ҳалойикнинг тартибсизликка буткул қарши эканини, курул-ярок эса атайин, ҳарбийлар томонидан керакли қимсаларга берилганини исботлайди. Совет фуқароси оддийгина ов милтигини неча «текшир-текшир»у ҳужжатбозликлардан сўнг олиши мумкинлиги барчага аён. Оддий миллий пичокнинг «паспорти», яъни қини бўлмаса, пичокдор шубҳа остига олиниши тайин. Хўш, неча йиллардан бери бировга ҳатто мушт ўқталиб майдонга чиқмаган, тирикчилиги зўрга ўтаётган ҳалойик назорат ҳаддан ошган тузумда Шаталин қўрган «автомат ва пистолетлар»ни қайдан топиши мумкин?! Фитначиларнинг ўз одамлари ҳам тўполонда курул қўтариб юрмаганмикан?!

ЎзТАГ мухбирининг ушбу эътирофи бу фикрни исбот этмайдими: «Бу ерда тартибсизликлар ўз-ўзидан келиб чиққанлиги ҳақида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмас. Бу олдиндан аниқ-равшан режалаштирилган операциядир» (Ўша манба). Агентликнинг бошқа хабарларида! ҳам бу таъкид учрайди: «Қўпчиликнинг фикри бир жойдан қияпти: Тартибсизликлар олдиндан тайёрланган» («Ёш ленинчи», 1989 йил июнининг 17-куни).

Тартибсизлик ташқаридан тартиб билан бошқариб турилгани учун, мухбирлар, кечроқ бўлса ҳам, фитнанинг олдиндан тайёрланганини иллаганлар. Лекин жумҳурият халқини қалғитиб, Фаргона аҳлини гангитган нарса шуки, воқеанавислар айбсиз ҳалойик билан тажрибали фитначиларнинг фарқига бормаи, бор айбни халққа ағдараверганлар. Бошқа томондан, бунга ўзбек халқи айбдор эмас, деб гўё халқни исноддан саклаб қолиш учун

«меҳрибонлик» ҳам килганлар.

САККИЗИНЧИ ДАЛИЛ.

СССР Ички ишлар вазирлиги Фаргона воқеаларида катнашганларни бешафкат жазолаш учун Россиядан икки юз кишидан ортиқ терговчилар гуруҳини жалб этгани фитнанинг махсус уюштирилганлигини ва унинг айрим мақсадларини узил-кесил фош этади.

Эътироз бўлиши мумкинким, икки миллат ўртасида жанжал чикса, бошқа миллатга мансуб ҳуқуқшуносларгина ҳакамлик кила олади, деб. Тўғри, унда нега бу «ҳакамлар» айнан Россиядан бўлиши шарт? Нега Болтиқбўйи ёки Кавказ орти жумҳуриятларидан эмас?!

Фикрловчилар, албатта, бу саволлар замирида кучли мантик борлигини сезадилар.

ТУККИЗИНЧИ ДАЛИЛ.

Ушбун расмий кишилар далил ҳисобламасликлари мумкин. Сабаб, мен шундай бир шахснинг хатидан парчалар келтираманким, у шахснинг соғлигини давлат идоралари шубҳа остига олганлар. Борди-ю, уларнинг шубҳалари пуч чикса, ушбу далил фитнани тайёрлаш жараёни ҳамда вақтидан дарак беради.

Янгийўл шахридан Н. М. Ахременко деган киши жамоатчиликка ёзган мактубида 1989 йилнинг январида Тошкент шахри, Куйбишев туманининг прокурори А. Крестовников уни чакирганини, жумҳурият прокуратураси ва Ички ишлар вазирлиги устидан шикоят ёзишни бас қил, деб сўраганини, хат муаллифига пора таклиф этганини таъкидлайди. Н. М. Ахременко рад этгач, А. Крестовников бундай дейди: «Ахременко, сен Анишчев ва Усатовдек одамлар оёғи остида ўралашма! Ахир, сен ҳам биздек «октанли»сан-ку! Биз Чуркистонга («чурбан», «чурка» каби ҳақоратли сўзларга ишора қилиб, Туркистонни мазах қилмоқда) англиялик октанлилар Африкага боргандай, пул ишлаб олгани келганмиз... («Бирлик» хабарномаси, 1989 йил, 6-сон).

Крестовников уни кўрқитмоқчи бўлиб:—«Москвага шикоят ёзишни бас қил, — дейди. — Сен ҳеч нарсага эришолмайсан, биз ҳаммасини сотиб олиб қўйганмиз. Москва бизнинг қўлимиздан емак ейди, у бизни бу ёққа пул ишлаш учун юрган» (ўша манба).

Хуллас, бу тафсилотдан сўнг, Н. М. Ахременко хатининг энг гаройиб жойидан қўчирма келтираман: «Конунсизликка қарши курашим 1989 йилнинг январига ҳақ дам этди. Ўшанда, Янгийўл ЖКБ (Жиноят қидирув бўлими) бошлигининг муовини Н. Гельман мен билан дўстлашишга тиришиб қолди. Унинг онаси бизникига яқин туради. Менинг келиб чиқишим славян эканини таъкидлаш билан, у Анишчев ва Усатов номидан Фаргонага боришимни, у ерда Ўзбекистондаги рустилли раҳбарларни химоя қилиб, митинг уюштиришимни (бу митинг кейинчалик ҳаракатга айланиши керак эди) сўради. Агарда бу барбод бўлса, айбни «сотилган милиция» зиммасига ағдаришимга, Крестовников тўғрисида ҳеч қимга индамасликка ундади. Мана шу ишларим учун мендан ҳар қандай айбларни олиб ташлашини: ишга тикланишимни; ишлаб чиқариш чоғида жароҳатланган, деб варақа тўлдириб, пул тўлашини; ишлаб чиқариш ногирони сифатида нафақа тайин қилишни; уч йиллик мажбурий прогул учун ҳам пул ундирилишини; соғлигимни тиклашим

учун обрўли санаторийга жўнатилажагимни маълум килди.

Мен Анишчев ва Усатов бошлик хамда улар хомийлигидаги рустилли рахбарият томонидан конли иш ташкил этилаётганини тушундим ва 1989 йилнинг апрели бошлангани учун СССР юкори ҳукукий ва сиёсий давлат идораларидан 26 тасига хат ёза бошладим. Аммо уларнинг биронтаси хам чора кўрмади, Фаргона фожиасининг якинлашаётганини хис килганимдан, СССР халк депутатлари съездига учта телеграмма жўнатдим. Бирок барчаси жавобсиз колди. Шундан кейин нима бўлгани бутун дунёга аён» (Ўша манба).

Хатда ёзилишича, 1989 йил май ойининг 30 куни Янгийўл шаҳар ички ишлар бошкармасининг бошлиги ўринбосари Вульвач Ахременко Фаргонага бориш тўғрисида топширик олганини ёзгудек бўлса, унинг ўзини ва оила аъзоларини йўқ килажагини айтиб, огохлантирган.

Бу гаплар руҳан хаста кишининг гапларига ўхшамайди. Бу сўзларни ўзидан тўкиб чикариш учун эса Михаил Булгаковнинг иктидори керак. Аммо муаллиф фитна ташкилотчилари, деб факат жумҳуриятдаги рус тилли рахбарларни кўрсатаётгани бахсли: «Бу «десантлар» факат марказга ижрочилик килдилар, дейилса тўғрирокдир. Н. М. Ахременко хатларига, телеграммаларига Москванинг пинак бузмаганлиги бунга далилдир.

ФИТНА ОЛДИНДАН ТАЙЕРЛАНГАН РЕЖА АСОСИДА МАХСУС УЮШТИРИЛГАН БЎЛСА, ТАШКИЛОТЧИЛАР ХАЛОЙИКНИ КАНДАЙ КИЛИБ КЎЧАГА БОШЛАБ ЧИКДИЛАР?

Келтирилган далиллар замирида бу саволга қисман жавоблар бор. Тўполонни ривожлантиришдагн матбуот марказининг хизматини анча баён этдик. Қарор топган умумий тенгсизлик ва адолатсизликлардан ташқари, месхетлик кавм билан ўзбек кавмининг айрим вакиллари ўртасида баъзи одобсизликлар, хатто ҳақоратсифат қилиқлар бўлганини инкор этиш мумкинмас. Аммо айрим муаллифлар галаён асосини факат шу зиддиятлардан кидириб, янглишадилар. Бундай воқеанавислар турк кавмига қарши атай кўзготилган қаҳру қазаб таъсиридан қутула олмаган кишиларнинг ноҳуш қайфиятини ифода этадилар. Бундай ҳол фитнани бошлаб олишга имкон берди, ҳолос. Ахир, жанжални қимлар бошлаб бергани, қимлар авж олдиргани энди маълум-ку!

Аммо ҳалойикнинг тез тўпланиб, тартибсизликка аралашиб кетганининг сабаблари кўп. Аввало, ҳалойик илгари бундай фитнага дуч келмаган эди. Кейин, галаён кечган барча туманларда элнинг иктисодий аҳоли ҳароб: очлик, кашшоклик, муҳтожлик ва ошқора адолатсизликлар устига вилоятнинг табиий (экологик) ҳолати ҳам расво! Сўх сув омбори қурилиши, Янги Кўкон қимё заводи, 1-пахта тозалаш заводи, Суперфосфат заводи, Олтингугурт омбори, қишлоқ ҳўжалигида қўлланаётган захарлар Фаргонани бўғар эди.

Бундан ҳам баттар халкни эркисизлик бўғар эди. «Ярим оч, ярим ялангоч миллат динга ҳам, санъатга ҳам эга бўла олмайди» (Махатма Ганди), дейилганидек, буларнинг бари халкнинг маънавий ҳолатига ҳам зугум ўтказган. Халк ўзи асабий, сабр косаси тўлган, ноҳақликлар чидаб бўлмас даражага етган эди. Ҳақ йўлида қонуний курашлар бошлаган халққа лоақал гапириб, қўнглини бўшатиб олишга ҳам имкон беришмас, митинглар асоссиз рад этилар эди. Хуқмдорлар билмайдик, босим кучайса, исён қутилмаган бир жойдан тешиб чиқади. 1989 йил январнинг 17-куни бир гуруҳ кишилар жамоатчилик номидан Қўкон шаҳар ижрокўмига мурожаат қилиб, экология масалаларига бағишланган митинг ўтказишга руҳсат сўрашди. Ижрокўм рад қилди.

Бутун Ўзбекистонда бўлганидек, Фарғона вилоятида ҳам ишсизлар қўпайиб кетган. Шунга қарамай, шаҳар қорхоналарига тубжой халқ вакиллари қабул қилишмас, ҳатто 1988 йили «Фарғона шаҳар Совети тевақал-атрофда яшовчиларни ишга олмаслик ҳақида қарор чиқарган» эди. («Совет Ўзбекистони», 1989 йил июнинг 13-куни). Қолбуқи, айни вақтда бошқа ўлкалардан, айниқса, Россиядан ишчилар қелтирилаверган, ишчиларнинг қўпроқ рус ёки рус тилли бўлишига эътибор қучли эди. Халқнинг дарди ичида бўлган. Фитна ташкилотчилари бу вазиятни яхши ўрганганлар.

Халқни қаҳрлантиришнинг нозикроқ усулари қўлланди. Бир исмсиз муҳбирнинг фикрича, ўзи оч халқ вилоятдаги ҳарбийларни ҳам боқиши қерак эмиш! Бу қуролли тиланчилик эмасми?!

Мнллий истиклол ҳаракати вакиллари шу пайтгача «босмачилар» деб қелишганидек, Ю. Шаталин маҳаллий ҳалойикка нисбатан «босқинчи унсурлар» деган иборани қўллайди. Афғонистонда қон қечиқ, ўлмай қелган ёш йигитнинг Қўкондаги марказий майдонда Шаталин бошқарган ички қўшин ўқидан жувоқмарг бўлганини қўрганлар, албатта, босқинчи унсур қимлигини фаҳмлайдилар!

Ҳамиятни таҳқирловчи шундай усуллар устига: «Саҳий халққа нима бўлди?», «Азалдан одамохун фарғоналикларга нима бўлди?», «Меҳмондўст элга нима бўлди?!», деб матбуотда «газаб билан қораловчи» (матбуот тили) мақола уюштиришлар, фитна моҳиятидан беҳабар адиб ва арбобларнинг четдан туриб қилган ваъз-насихатлари ҳалойикнинг тоқатини тоқ қилди. Ички қўшин Фарғонада ўрнашиб, қонли фаолиятини бошлаган қонларда ҳам, қорозилиқни сунъий равишда қучайтириб, тўполонга ундовқи иғвоқарликнинг давом этгани шаҳидлар қони қўпайишига сабаб бўлди.

Қўчаларда, майдонларда, кишилар билан гавжум жамоат жойларида қурол ишлатиш маҳсус қарорлар» билан тақиқланган бўлишига қарамай, 1989 йил июнинг 7, 8-қонлари ички қўшинлар Қўкон шаҳридаги марказий майдонларда ҳунрезлик қилдилар. Июньнинг 7-куни ҳалойик ноҳақ қамокка олиган йигитни қўйиб юборишларини талаб қилгани учун, шаҳар ички ишлар бўлими идораси олдида милиционерлар (ёқи милиция либосидаги қўшин) беғуноҳ оломонни автомат ва тўппончалардан ўққа тутдилар. Бу ёвузлик халқни яна ҳақиқат майдонида бошлаб қикди ва мазқур ҳунрезликни қоралаб, июнинг 8-куни ҳалойик йигин (митинг) ўтқазди. Йигиннинг олдинги қаторидаги кишилар ўтириб, орқадагилар тик туриб, шаҳар партия қўмитасининг биринқи қотиби Х. Н. Мусабеқов нутқини тинглаётган эдилар. Талабқорлар ўзларининг бешинқи талабларини ўқиб

эшиттираётганларида, тагин аскарлар уларни ўкка тутишган. Хатто дод-фарёд кўтариб кочиб бораётган халойик ортидан ҳам отишни давом эттираверганлар. Бу конхўрликни яшириш учун матбуот марказидан куролланган оломон партия, совет ва хукукни мухофаза этиш идораларига хужум килдилар», деб игво таркатишди. Карангки, Фаргона вилояти прокурорининг эътироф этишича, июннинг 7-куни «тартибсизликлар пайтида, тергов изоляторига хужум уюштирилганлиги ҳам асоссиз бўлиб чиқди» («Коммуна» рўзномаси, 1989 йил июлнинг 18-куни).

Лашкар буткул ноқонуний тарзда кон тўкканлигининг энг ибтидоий далили шуки, харбий саркардалар курол ишлатилганини жон-жаҳдлари билан яширишга тиришдилар. Кўкон шаҳар «Знамя труда» рўзномасининг бир кунда — 1989 йил 9-июль куни чиққан икки хил (!!!) сонини ўқиган киши партия органи харбийлар ёвузлигини яширишга қанчалик уринганлигини яққол англайди. Рўзномани йигиб олиб, сиёсий тахрир билап қайта босишган бўлса-да, дастлабки нусхаларп айрим-кишилар кўлида қолган эди.

СССР Ички ишлар вазирлиги тарихида биринчи дафъа Фарғонада ўзбек туркларига қарши ҳаво десанти қўлланди.

Июннинг 17-куни Марғилон шаҳри марказидаги сокчи соат беш дақиқа қам ўнда, яъни комендантлик соати муддатига ҳали беш дақиқа бўла туриб, мотоцикл минган ўзбек йигитини отиб ўлдиради. Эрталабгача кўчадаги дарахтга жасадни бўйнидан осиб қўйишади. («Ёшлик» ойномаси, 1989 йил 11-сон). Тагин айбни туркларга тўнкаб, халқни уларга қарши қохрлантормокчи бўлишди. Қолбуқи, месхетликлар бу пайт ўз ташвиш — таҳликалари билан банд эдилар...

Ҳақли талабларнинг фитна қунларига тўғри қелгани, халқимизда сиёсий қураш маданиятининг пастлиги, бобомерос қизикқонлик бузғунчилиқнинг авж олиб қетишига сабаб бўлди.

Фитначилар қулай фурсатни топдилар. Фарғона қожиасн жумҳуриятнинг собиқ раҳбари Рафик Нишонов СССР халқ депутатларининг 1-съезди минбаридан туриб, «Всё идёт нормально!», деб қиранаётган бир пайтда содир этилди ва ўзбек раҳбарларининг фаросати қай даражада «нормально» эканлигини жаҳон жамоатчилиқнга кўрсатди. Раҳбарликка бефаросат қишиларнинг танланиши ёвузлик салтанатининг эркин ҳукм юритишига имқон яратади. Ўша маҳал жумҳурият раҳбариятининг лақмалиги шу даражада эдики, хатто партия-ҳуқумат номидан эълон қилинган баёнотда ҳам босқинчиларнинг юз йиллик тажрибасида синалган сўзларини қўллаб, «қўпчилиги спиртли ичимликлар ва наркотик моддалардан маст ҳолатдаги безори ёшлар», деб таъқидланган эди. («Совет Ўзбекистони», 1989 йил июлнинг 6-куни).

Алқисса, Фарғона вилоятида «Понтий Пилат башорати»ни амалга оширмок учун шароит етарли эди. Қолган шарт-шароитни ўзлари яратиб олдилар.

ФИТНА НИМА МАКСАДДА УЮШТИРИЛДИ?

«Эришилган натижа»ларга кўра, фитнадан мақсад кўп булган.

БИРИНЧИ МАҚСАД.

1989 йил — Оврупо микёсида туркий халқларга қарши кураш йили бўлди, десак муболага қилмасмиз. Булгория Халқ жумҳурияти аҳолисининг катта кўпчилиги сунъий равишда халқнинг мусулмон қисмига қарши қилиб қўйилган («Известия», 1990 йил январининг 4-куни) ва 30 мингдан ортиқ турк қўчиб Туркияга кетгани, оқибатда Булгория саноатида, қишлоқ хўжалигига анча путур етгани жаҳон афкор оммасига маълум. Югославия жумҳуриятида ҳам туркларга қарши қайфият уйғотилгани, туркларнинг қўчиб, улоқиб, қанча қарсон бўлгани бутун дунёга аён. Туркийларга, умуман, мусулмонларга қарши кураш махфий режалаштирилганми ёхуд тарихий тасодифми? Бу ҳусусда аниқ сўз айтиш мушкул. Лекин ўзимизнинг қунчиқарда — Хитойнинг Шарқий Туркистон мусулмонларига нисбатан ақчик муносабати ва бунга қари Русь билан Қин давлати муносабатларининг тобора қилиқлашиб қараётгани, қейин Озарбайжондаги бешафқат қиргин-қатагонлар қишини тагин ўй-ғумонларга қолади. Туркий мусулмонларга қарши кураш қўзғотилган бошқа қуртлар ҳам Советлар билан муштақам алоқада бўлган давлатлардир.

Бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, дейлик, «туркийларга қарши кураш» маърақасидан энг унумли қойдаланиб қолгани Совет мамлақати бўлди. Бу сўз маъносини ва биринчи мақсад моҳиятини очмоқ учун айрим далилларга қурожаат этамиз.

Рус олимлари ҳам маданият арбобларининг 1989 йил декабрь ойида ўтган «Қайта қуриш ва Россия тақдири» мавзусидаги илмий-назарий конференцияси рус халқига қурожаат қабул қилди. Бу даъватни «Миллат бешигини қайта тиклайлик» қарлағҳаси остида матбуотга қикаришди. Анжуман қурожаатида, асрлар давомида улуг рус элати, қейинчалик эса миллати асосий қисмининг машғулоти дехқончилик бўлиб қолгани таъқидланади; истовчилар ўз туккан қишлоқларига қайтиб, хўжалиқ қурғизишлари учун шароит қариб қеришга Совет ҳуқумати идоралари даъват этилади. («Литературная Россия», 1990 йил январининг 12-куни). Бу тақбир Россияни ҳам, бошқа жумҳуриятларни ҳам иқтисодий таназзулдан қутқариши, шу билан бирга кўп қуртларни миллий низолардан қалос этиши мумкин эди!

СССР Халқ депутатларининг II-съезди ўтаётган қунларда россиялик депутатлардан бири Марқазий ойнаи жаҳон орқали қерган мусоҳабасида «рус қалқовлиги» тўғрисида қаттиқ қуюниб қолди! У, рус қишиларида ер туйғуси йўқолиб қетаётганини, руслар ўзларини турли шаҳарларга қураётганларини ўқинч билан гақирди. Бу Россиянинг битмас-туғанмас қатта қарди!..

Дарҳақиқат, эғасиз қолган минглаб Россия қишлоқларида дехқончилик, қорвақилиқни қурғизадиган одам йўқ. Ўзбекистоннинг расмий рўзнамаларида 1988 йил охири, 1989 йил бошларида Россиянинг бўшаб ётган қишлоқларига бу соҳанинг қирлари бўлмиш ўзбекларни даъват этувчи эълонлар қосилди. Унда «бузқбоқар қерак», «қолбоқар қерак», деган аниқ иборалар ҳам учраб турди. Ана шу қораларга қавобан» «ишчи

Илова. Турк миллий ташкилотининг кейинги интилишлари кучаймокда эди.

ИККИНЧИ МАКСАД.

булгор, калмик ва бошка барча туркийлар муштарак ифтихор туйишлари мукаррар. 70 йиллик гаройиб сиёсат остида битта туркий миллатнинг ўндан ортик кавмлари ҳар бири алоҳида миллат бўлиб шаклланиши бу улуснинг руҳий имкониятлари нақадар улуг эканлигини тасдиқлайди. Афсуски, узок замон Советлар байроғи остида бу кондош туркийлар бирлиги, яқинлиги чекланди. Улар ўртасига талаш манбалари ташлаб қўйди: Масалан, чегараланишда ер-мулк, тарихий мерос, улуглар номи каби... Туркистонни парчалашгач, туркий халқлар яқинлиги тўғрисида сўзлаганлар «пантуркист» деган сўёсий тўқмок остида қолдилар. Сиёсат қўп вақт бу қориндош кавмларни бирлаштиришга эмас, балки бутун тадбирлар билан парчалашга, ичдан емиришга хизмат қилди.

Кейинги пайтларда муштарак кондошлик туйғулари тирилиб, тарихий ўзликни англаш, миллий бирликка интилиш қучаймоқда эди. Мамлакат арбоблари орасида туркий улуснинг бирлигидан қўрқадиган зотлар борлиги ҳақиқат! Фарғона фитнасида месхет турки билан ўзбек турки ўртасида ихтилоф бутун қоралар билан қучайтирилди экан, бундан яна бир мақсад — ошқоралик замонида соғайиб қелаётган умумтуркий туйғуларга шикаст етказиш, бирликни яқсон қилиш, жаҳон жамоатчилиги олдида, Туркия олдида икки кондош кавмни бадном, қилиб, уларнинг миллий бирлашувига, эркин парвозига йўл қўймасликдан иборат эди. Бурунрок «Ўзбекистон ССРнинг давлат тили ҳақида»ги Қонундан «туркий тил» деган иборанинг олиб ташланиши, кейинрок тарихий бирлигимизнинг сўнги намунаси — Ўрта Осиё ва Қозогистон диния бошқармасини парчалаб, Қозогистон диндорларининг ажратиб қўйилиши ҳам шу мақсадни ифода этади.

УЧИНЧИ МАҚСАД.

Инглизларда: «Шарманда қилинган итни жазолаш осон бўлади», деган мақол бор. Юз ўттиз йиллик тарихимизда инсонлар бўйнига айб қўйиб, шармисор қилиб жазолаш урф бўлди...

Биринчи жаҳон уруши арафасида Туркистонда инқилобий ҳаракат, жадиждлар қураши, миллий озодлик ҳаракат қучайди. Бундай ҳаракатлар мустамлақачи маъмурлар ахборотида «тартибсизлик», «бандитлар ҳужуми», деб тафсилланар эди. Масалан, Фарғона вилояти шарҳларида берилган маълумотларга қўра, «идора тартибларига ва жамоат осойишталигига қарши қурашлар» сифатида, 1911 йилда 833 та, 1913 йилда эса 1220 та «жиноий» иш қўрилганлиги қайд этилган. Сирдарё вилоятида шундай «айб»лар билан 1911 йилда 3487 киши, 1913 йилда эса 5494 киши жавобгарликка қортилган (Х. Турсунов. «Октябрь арафасида Ўзбекистонда миллий-озодлик ҳаракати». «Фан». Тошқент, 1967 йил, 13-бет).

1989 йили уюштирилган тартибсизликдан мақсад ёш авлодни яна бир қарра қатагон қилиш, миллий рух ва миллий анъаналар нисбатан тузуқрок сақланган Фарғонада уларнинг қўзидан ўтини олиш, ижтимоий-сўёсий фаолияти қонланиб қораётган миллатнинг бундан кейинги ҳар қандай ҳақли талаб ва ҳаракатларини қосиб қўйишдан иборат эди.

Фарғонада ўттиз тўққиз ой давомида 394 «айбдор»га нисбатан 205 та жиноий иш очилган. Шулардан 370 га қиян айбланувчига нисбатан қўзғотилган 108 та жиноий иш

айблов фикри билан олий судга ҳамда вилоят судларига оширилган. «Оммавий тартибсизликлар, одам ўлдирганлик, миллий киргин (?), ўт кўйишлар каби 110 та жиноят иши бўйича 160 дан ортик айбдор оғир жазоларга ҳукм этилган. Шунингдек, «оммавий безориликлар учун судланганлар сони жуда кўп». Энди «жиноят содир қилганларнинг ўзига келсак, кўпчилиги 13—14 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшлардирки, аксарияти жиноятни миш-мишлар туфайли, эхтиросга берилиб, айрим ҳолларда бошқалар ундови орқасида содир этганлар». (А. Отажонов. «Коммуна», 1990 йил майнинг 16-куни). Кўриниб турибдики, эскидан қолган айблов тури кўп! Томошага чиққан ёш болалар ҳам «жиноятчи»! Катагон эмасми бу?!

Ёвуз фитна туфайли Фарғонада 112 киши шахид бўлди, 1000 дан ортик кишига тан жароҳати етди, 400 йигит жавобгарликка тортилди, 700 га яқин киши маъмурий жазо олди. Катагон эмасми бу?! Буларнинг қанчаси гуноҳ қилган-у, қанчаси тухматга қолган, қанчаси ваҳшиёна қийноқлар остида қилмаган айбини бўйнига олган»?!

1990 йил май ойининг 14-куни 6-поездда кетаётиб, ҳеч бир айбсиз Кўкондаги «хос» камокхона (изоляция)да 5 оя 28 кун ётиб сўроқ берган йигит билан суҳбатдош бўлдим. Унинг ақаси ҳам шунча вақт «хосхона»да ётган. Уларни четдан қолган терговчилар гуруҳи итдек қийнаб, сўроқ қилганлар. Йигитнинг даҳшатли азобларини эшитиб, бунинг Сталин қирғинидан нима фарқи бор, деб ўйлайсиз. Камокка олинишидан олдин соппа-соғ бўлган йигитнинг бир дўсти қалтак зарбидан турмада ақлдан озаёзган. Бошқа айбсиз йигитларни ҳам жазолаш учун зулм ўтказиб, сохта кўргазмаларга қўл қўйдириб олишган. Айрим содда йигитлар бағри қон онасини, ичқан боласини бир қўриш учун рус тилида битилган сохта айбномаларга қўл қўйиб беришга мажбур бўлишган. Айбланувчилар рус тилида сўроқ қилинганлар, уларнинг кўпларига таржимон ҳам берилмаган.

Ҳозирча мен бу йигитларнинг исми шарифларини келтирмадим. Уларнинг кўзида заррача қўрқинч йўқ, лекин бошларида ҳали хатар бор...

Кўқонлик кўпгина онахонлардан олган хатларимда ёвузлик дастидан бўзлаб зорланиш бор!..

Мамлакат халқлари билан бирга, мусулмон миллати бошига тушган умумий қулфатларни гапирмайлик. «Қулоқ» қилинганларни, «босмачи», «ақсиланкилобчи», деб отилганларни, сунъий очликдан қирилганларни, ҳуллас, 20-йиллар босқинию 30-йиллар қатагонини қўя турайлик. 40-йиллар қирғинидан, 50-йиллар зулмларидан сўзламайлик! 1920 йилдан 1950 йилгача СССРда ўлдирилган 66 миллион 800 минг кишидан қанчаси туркий мусулмон халқи эканини билмаганга олайлик! Бирок 70-йиллардаги маънавий ўлимлар, Афғонистон босқинидаги қиссасиз қирғинлар, 80-йиллардаги ақсиз қамашлар — Гўлян, Иванов бошчилигидаги 200 кишидан ортиқ «терговчилар гуруҳи»нинг қилмишлари, Олмаота ҳаракатининг бостирилиши, минглаб йигитларнинг сўргун қилиниши, Душанбе ва Боқу шаҳридаги, Фарғона, Бўқа, Парқентдаги ҳунрезликлар, йигитларимизнинг армияда қирлаётгани... Захарли заводлар, экологик ҳалокатлар, қишлоқ ҳўжалигидаги ажал уруғлари... Бу онгли қатагон-қирғинни (геноцидни) энг қалтафаҳм зот ҳам ўз номи билан аташга қарор топди!.. Ўзбекистондаги бугунги аҳвол қирғиннинг (геноциднинг)

режали равишда, кенг жабха бўйлаб олиб борилаётганини тасдиқлайди. Бундан ташқари, тинимсиз ҳақоратлар, тухматлар, миллий айбловлар туркий халқларнинг кўзини очирмаслик учун қўлланаётган усуллар эканлиги сезилиб қолаётир. Инсоният ўз тарихида бундан ҳам ортиқроқ зулми қўрганмикан?!

Халқнинг мухтор вакиларидан тузилажак комиссия ҳалол ва сотилмас ҳуқуқшунослар билан биргаликда, Фаргона, Бўка, Паркент, Андижон, қолаверса, Боқу, Душанбе, Ўш фитналарида айбланган йигитларнинг «жиноий иш»ларини синчиклаб текшириб, ҳақни ноҳақдан ажратишлари шарт! Қиргин-қатагоннинг бундан ҳам мудҳишроқ сирлари ўшанда очилади!

АЙРИМ ХУЛОСАЛАР

Баъзилар, Фаргона фожиасидан олдинроқ Егор Кузьмич Лигачёвнинг Ўзбекистонга келишини фитнага боғлайдилар. Ўшанда у жумҳуриятнинг терс жанубига бориб, мустамлақачилик қоидаларига мос шартномалар тузиб кетгани рoст. Шунингдек, Анишчев, Сатин, Усатов, Гайданов, Огарок қабил ашаддий шовинистларни ҳам ҳеч қим далил-исбот билан ушлай олгани йўқ.

Аввал Тошкентдаги Геология техникумида ўзбеклар билан қозоқлар ўртасида, кейин Самарқандда тожиклар билан ўзбеклар ўртасида, сўнг Зарафшонда ўзбеклар билан озарбойжонлар ўртасида турли фитналарни уюштиришга уринган зотлар қим ўзи?! Бундай бузғунчиликлар турли миллат вакиллари тарқоклик ҳам қўрқокликка эмас, балки бирлик ва серғакликка ундамоғи зарур! Болтиқбўйи халқларининг митинг ўтқазилган жойга сигарет қолдигини ҳам ташламаслигида қўп маънолар бор. Ҳар дақиқа маълум миллатнинг ҳатосини қутиб, айғокчилик орқасида қун қўраётганлар озмунчами!

Фаргона фитнаси оқибатида Ўзбекистон маломатларга қўмилди. Жаҳон жамоатчилигини ўзбек халқига қарши қўйишга уриниш давом этмокда. Айрим рус академиклари, адиблари, мухбирларининг билиб-билмай қилаётган игвогарликлари бутун мамлакат ёшларини ўзбекларга, туркийларга қарши қайрамокда. Россияда: «Босмачиликнинг янги босқичи», деб қўрсатилаётган қўп қисмли телефильмлар «хизмати» билан, армия сафидан 500 га яқин ўзбек йигитининг ўлиғи қелди. Президент М. Горбачёв эса СССР Мудофаа вазири Д. Язовни юқсак давлат муқофоти билан тақдирлади.

Қечган фитналар Туркистон халқларини, барча туркий халқларни жипслиққа, бирлиққа, қон-қардошлиқ ҳисларини намоён этишга ундайди. Оддий инсоний қон-қардошлиқ туйғуларини қолим сиёсатнинг турли «изм»лари билан қекламoқ етар! Ёлгон, мақр, фитна, истибдод асри ҳалоқат ёқасига қелди. Гилофлар қиримокда, занжирлар узилмокда, қафаслар бузилмокда. Энди одамга ўхшаб яшаш даври яқин!

Ўлган билан қўшилиб ўлмок—гуноҳи азим! Лекин Туркистондаги онгли инсонларнинг барчаси бир қарра шаҳидларга қўшилиб ўлдилар, гуноҳларга ботдилар. Сўнгсиз фигонимни ютиб бўзлайман: Тангри таоло ёш ўғлонларни мангу паноҳига олиб бу дунёнинг фитналаридан, зулм ва ҳўрликларидан буткул қутқарди! Энди ақамокдаги, қафасдаги тирикларни онгли дунё буюқ азобдан қутқармоғи қерак!..

Ўқинманг, бағри қон биродарларим,
Қаддингизни тикланг, тинсин охингиз.
Озод авлодларга саждағоҳ бўлур
Ҳақиқат майдони — қатлгоҳингиз.
Сизни ўққа тутган ваҳший тўдалар
Бу қун дўст аталар, одил аталар.
Лашқари, қуроли борларга қиданг,
Устун қулаган осмон — оталар!
Айбингиз—ўзликни таниганингиз,
Ҳато — ақл бор, деб санаганингиз.
Гуноҳ — ҳаққингизни сўраганингиз,
Энг улуг айбингиз — зўр эканингиз!
Ўлган ҳар қон билан сиз ҳам ўлдингиз,
Мен ҳам тирик туриб, бурда-бурдаман.
Фарёдим ўлиқлар фарёди ҳамқир.
Мен — нариги дунёдан қелган мурдаман!
Ўқинманг, бағри қон биродарларим,
Нидоси қарадор, ўлмас қардларим! —
Сизга ўқ отганлар нидони отди,
Ҳақиқатни отди — ҳудони отди.
Шаҳид сафдошларнинг қабри нур бўлқай,
Ҳақнинг қотилларга қаҳри зўр бўлқай,
Агар тақбир устун, қурак тош бўлур,
Бу ёвуз найранглар бир қун қош бўлур.
Ўқинманг, бағри қон биродарларим,
Қаддингизни қосланг, тинсин охингиз.
Озод авлодларга саждағоҳ бўлур
Ҳақиқат майдони — қатлгоҳингиз!

1989—1990 йилларнинг июнь-май ойлари, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси.